

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМОНОВ ДИЛШОД НУРБОБОЕВИЧ

**АҲОЛИНИ ИНТЕРАКТИВ ДИНАМИК КАРТАЛАРИНИ
ТУЗИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ**

11.00.06 – Геодезия. Картография

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахмонов Дилшод Нурбобоевич

Аҳолини интерактив динамик карталарини тузишнинг
назарий ва амалий масалалари.....3

Рахмонов Дилшод Нурбобоевич

Теоретические и практические вопросы составления
Интерактивных-динамических карт населения21

Rakhmonov Dilshod

The Theories and Application issues of Interactive Dynamic
Mapping of the population39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМОНОВ ДИЛШОД НУРБОБОЕВИЧ

**АҲОЛИНИ ИНТЕРАКТИВ ДИНАМИК КАРТАЛАРИНИ
ТУЗИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ**

11.00.06 – Геодезия. Картография

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Gr67 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (nuu.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гулямова Лола Хаджи-Акбаровна
география фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Мамадалиева Хафиза Холдаровна
иқтисодиёт фанлари доктори,

Мусаев Илхом Мақсудович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ __ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги ____-рақамли реестр баённомаси).

Н.И.Сабитова

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Ш.М.Шарипов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.н., доцент

З.Н.Тожиева

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги бир марталик
Илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳолини ва уй-жойларни рўйхатга олиш мамлакатларнинг амалга оширадиган энг мураккаб ва кенг қамровли тадбирлари қаторига киради. «Бунинг учун бутун бир мамлакатни картага олиш, аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини синчковлик билан кузатиб бориш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш учун пухта режалаштириш, манбалар яратиш ва амалга ошириш вазифалари белгиланган»¹. Мазкур вазифалар аҳоли сони, унинг ҳудудий тақсимооти, ёши ва жинсий таркиби, оилавий аҳволи, маълумоти, ҳаёт даражаси, яшаш шароити, бандлиги, миллати, фуқаролиги ҳамда бошқа демографик, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари бўйича тадқиқотларни тақозо этади.

Жаҳонда геофазовий маълумотлардан тобора кўпроқ фойдаланилиб, аҳоли ҳақидаги аниқ ва мукаммал маълумотлар тўплаш мақсадида аҳолини рўйхатга олиш усуллари замонавийлаштирилмоқда. Мазкур йўналишда кундан кунга юқори суратларда ривожланиб бораётган ахборот ва коммуникация технологияларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда интернетда жойлаштирилган очиқ маълумотларни интерактив динамик картага олиш йўли билан тез ва осон ахборот олиш, уларни қайта ишлаш ва тарқатиш масалалари муҳим ҳисобланади.

Республикамизда иқтисодиётнинг барча тармоқларини рақамлаштириш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда ва сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”²ги Қарорида географик ахборот тизимини (GIS) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жорий этиш, ахборотларни «Электрон ҳукумат» тизими билан интеграция қилиш вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, аҳолига оид рақамли ва бошқа маълумотларни бир-бири билан интеграциясини интерактив динамик карталар орқали илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5655-сон “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ <https://www.unfpa.org/census>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги: Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқотга оид мавжуд илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, аҳолини ўрганиш ва уни тадқиқ қилишда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан С.А.Ковалев, В.А.Капылов, В.А.Борисов, С.И.Брук, В.М.Медков ва бошқалар муҳим ўрин тутди. Ўзбекистонда аҳоли ва демографик жараёнларни ўрганишда М.К.Қорахонов, И.Р.Муллажонов, Э.А.Ахмедов, Р.А.Убайдуллаева, О.Б.Ата-Мирзаев, А.С.Солиев, А.А.Қаюмов, Қ.Х.Абдурахмонов, М.Р.Бўриева, З.Н.Тожиева каби олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Аҳоли ва демографик жараёнларни картага олиш бўйича ҳам бир нечта забардаст олимлар илмий тадқиқотлар олиб борган ва картографик асарлар яратилган. Ўзбекистонда ижтимоий иқтисодий картографияни янгиланиб такомиллашиб бориши Т. Мирзалиев, А.Эгамбердиев, Л.Х.Гулямова, Ж.Назиров, С.А. Авезов ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. Тез суръатда ривожланиб бораётган тадқиқотлар натижасида ҳозирги кунда АҚШ, Канада, Австрия, Россия каби ривожланган мамлакатларда аксарият картографик асарлар замонавий ГАТ технологиялари ёрдамида online тарзда яратилиб келинмоқда. Интерактив карталарни назарий жихатдан ўрганишда Kraak M-J., Roth R.E., Smith D.A., Надыров И.О. каби хориж олимларининг ҳиссаси катта. Лекин, мамлакатимизда интерактив динамик картага олиш, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати очиқ маълумотлари асосида Ўзбекистон аҳолисининг интерактив динамик карталар тизимини яратиш ҳалигача етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Картография кафедрасининг “Халқ хўжалигини ва таълимни картографик таъминлашни илмий-услугий асослари” ва Ўзбекистон география жамиятининг ОФ-08-С3/19-сонли шартнома асосида “Тарихий обидаларни, яхши ўрганилмаган маданий объектлар тўғрисида тўлақонли маълумотларни тўплаш ва уларни интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш” (2019-2020) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ArcGIS online дастури ва булутли технологиялар ёрдамида аҳолининг интерактив динамик карталарини тузиш методикасини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

интерактив динамик карталарни яратиш учун аҳоли географияси ва картографияси тажрибасини ҳамда аҳоли карталарини тузиш усулларини ўрганиш;

интерактив динамик карталарни тузиш бўйича хориж тажрибасидан фойдаланиб, уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

аҳоли карталарини тузишда интерактив динамик карталарни яратиш босқичларини ўз ичига олган моделни ишлаб чиқиш;

тадқиқотнинг назарий ва амалий масалаларини ўрганган ҳолда Ўзбекистон аҳолиси интерактив динамик карталарини тузиш методикасини яратиш;

интернетда жойлашган Ўзбекистон Республикаси ҳукумати очиқ маълумотлари ва ArcGIS online дастуридаги OpenStreetMap базаси асосида Ўзбекистон аҳолисининг интерактив динамик карталар тизимини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг интерактив динамик карталари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети замонавий географик ахборот тизимлари ва технологиялари ёрдамида аҳолининг интерактив динамик карталарини яратиш принципларини ва методикасини ишлаб чиқиш ҳисобланади

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида интерактив динамик карталарни хусусиятларига кўра математик-статистик, натижалар ишончилигини статистик қайта текшириш, картографик, ГАТ, сўровнома, анкета, аэрокосмик, веб-картага олиш, моделлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

аҳоли карталари учун интерактив динамик карталарни яратиш модели янги картографик методлар (интерактив белгилар, веб-картага олиш) асосида ишлаб чиқилган;

интерактив динамик карталар методикаси асосида рақамли ва матнли очиқ ахборотлар бир-бири билан интеграция қилинган маълумотлар базасини назарий ва амалий асослари яратилган;

интерактив динамик карталарни ArcGIS online дастури, рақамли очиқ маълумотлар портали ва булутли технологиялар асосида яратиш методикасининг назарий асослари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати очиқ маълумотлари, ArcGIS online дастуридаги OpenStreetMap базаси ва булутли технологиялар асосида аҳолининг интерактив динамик карталари яратилган ҳамда улардан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

очиқ маълумотлардан, ГАТ дастурларидан ва булутли технологиядан фойдаланган ҳолда интерактив динамик карталарни яратиш методикаси ишлаб чиқилган;

аҳолини картага олишда интерактив динамик карталарни яратиш босқичларини ҳамда интерактив динамик карталарни ишлаб чиқишни назарий ва амалий жиҳатдан қамраб олган модел ишлаб чиқилган;

интерактив динамик карталарни тузишда аҳолига оид очиқ маълумотлар бир-бири билан боғланган ва ишлаб чиқилган интерактив динамик карталар методикаси асосида маълумотлар базаси яратилган;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, Олмazor тумани ва маҳаллаларнинг очиқ маълумотларини ArcGIS online дастурида бир-бирига боғлаш орқали аҳолининг интерактив динамик карталари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги Ўзбекистон Республикаси ҳукумати очиқ маълумотлар порталида жойлашган барча вазирлик ва идораларнинг очиқ маълумотлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси очиқ рақамли маълумотларидан фойдаланилганлиги ва маҳаллаларнинг берган маълумотлари билан асосланади. Шунингдек, тадқиқотчи томонидан олиб борилган илмий изланишлар диссертациянинг ахборот асоси ҳисобланади. Тадқиқотнинг асосий натижалари ишлаб чиқилган аҳолини интерактив карталарида ўз аксини топган ва олинган тадқиқот натижалари тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти очиқ ҳудудий ресурслар яъни интернетдаги очиқ маълумотлар, дастурлар ва булутли технологиялардан фойдаланган ҳолда интерактив динамик карталарни яратиш методикаси ишлаб чиқилганлиги, натижада бошқа мавзудаги интерактив динамик карталарни яратиш ва улардан жаҳон миқёсида очиқ ҳолатда фойдаланиш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти очиқ маълумотлар асосида ArcGIS online дастури ва ESRI булутли технологиясида маълумотлар базаси яратилиб, Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, Олмazor тумани ва Олтинсой маҳалласи бўйича аҳолининг интерактив-динамик карталари ишлаб чиқилганлиги ва бу карталар аҳолини рўйхатга олиш ишларида ҳам муҳим картографик манба сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аҳолининг интерактив динамик карталарини тузиш методикаси ва улардан фойдаланиш бўйича олинган натижалар асосида:

янги картографик методлар (интерактив белгилар, веб-картага олиш) асосида ишлаб чиқилган аҳолини интерактив динамик карталарини яратиш модели Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 15 сентябрдаги 05-05-8023-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу моделдан фойдаланиб, online равишда, бошқа мавзулардаги интерактив карталарни тез ва осон яратиш имконини берган;

аҳолига оид рақамли, матнли ва бошқа маълумотлар Хукуматнинг очик маълумотлари ва сайтлари орқали бир-бирига интеграцияси қилинган маълумотлар базаси Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 15 сентябрдаги 05-05-8023-сон маълумотномаси). Натижада, интерактив динамик карталар орқали аҳолига доир турли маълумотларни бир-бири билан боғлаш ва мунтазам янгилаб бориш имконини берган;

ГАТ дастурлари, рақамли очик маълумотлар портали ва булутли технологиялар асосида тузилган интерактив динамик карталарни яратиш методикаси Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 15 сентябрдаги 05-05-8023-сон маълумотномаси). Натижада, аҳоли таркибида бўлаётган ўзгаришларни ФХДЁ бўлимлари ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида янгилаб бориш имконини берган;

ArcGIS online дастурида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани ва маҳаллаларнинг интерактив карталари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 15 сентябрдаги 05-05-8023-сон маълумотномаси). Натижада, яратилган карталар аҳолини рўйхатга олиш ишларида ҳудудлар аҳолисини мониторинг қилиш, маълумотларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда, шундан 2 таси Scopus базасида, 2 та халқаро, 9 та республика илмий-амалий конференцияларда мақола ва тезислар нашр қилинган. 1 та гувоҳнома (№ 002076. Ўзбекистон интеллектуал мулк агентлиги 05.03.2020 й.) олинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган бўлиб, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон аҳоли ва демографик жараёнлар картага олиш объекти сифатида**» деб номланган биринчи бобида олиб борилган изланишлар шуни кўрсатадики, аҳоли ва демографик жараёнларга доир адабиётларни ўрганиш натижасида мамлакатимиз аҳолисини келиб чиқиш тарихи, уни асрлар давомида босиб ўтган йўли, тарихда бўлган турли босқинлар, биринчи, иккинчи жаҳон урушларининг аҳоли ва демографик жараёнларга таъсири ҳамда аҳоли тўғрисидаги дастлабки рақамли ва матнли маълумотлар ўрганиб чиқилди. Аҳоли бўйича олиб бориладиган тадқиқотларда аҳоли географиясининг ўрни бекиёс.

Аҳоли географияси ижтимоий кўпайиш жараёнида ва табиий муҳит билан ўзаро муносабат жараёнида ҳисобга олинadиган аҳолининг сони, таркиби ва тарқалишини ўрганади. Ижтимоий-иқтисодий ва атроф-муҳит картаси инсон ва унинг атроф-муҳит ўртасидаги муносабатни ўрганишга асосланган.

Аҳолини ўрганиш ва тадқиқ қилишда аҳоли карталари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли географияси ва аҳоли картографиясини ривожланиш тарихи, дастлабки яратилган аҳоли карталари, аҳоли карталарини яратишни ГАТ технологиялари асосида автоматлаштириш масалалари ва аҳоли карталарини таснифи бўйича карталар таҳлил қилиб чиқилди.

2023 йилда ўтказилиши режалаштирилаётган “Аҳолини рўйхатга олиш” муҳим сиёсий тадбир бўлиб, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг биринчи марта амалга оширилади. Бунинг учун мамлакатимиз ҳукумати томонидан барча меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Жумладан, “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонун, “Аҳолини рўйхатга олиш” бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ва “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Аҳолини рўйхатга олиш ишларида қўлланиладиган барча меъёрий ҳужжатлар ўрганиб чиқилди.

Узоқ йиллар юртимизда аҳолини рўйхатга олиш ўтказилмагани боис аҳоли сони, ёш-жинс таркиби, ҳудудий жойлашуви ва бошқа ижтимоий-демографик ўзгаришлар борасида аниқ маълумотлар йўқ. 1-жадвалда мамлакатимизда олиб борилган аҳоли рўйхатлари тўғрисида маълумотлар кўрсатилган.

Ўзбекистонда аҳоли рўйхатга олинган йиллар ва аҳоли сони

Рўйхатга олинган йиллар	Умумий аҳоли сони (минг киши)	Шаҳар аҳолиси (минг киши)	Қишлоқ аҳолиси (минг киши)	Шаҳар аҳолисining улуши % да	Аҳоли зичлиги (кв.км /киши)	Ўртача йиллик ўсиш % да
1897	3948	743	3205	18.8	8.8	0.6
1920	4470	813	3657	18.2	10.0	0.4
1926	4621	1012	3609	21.9	10.3	0.6
1939	6347	1470	4877	23.2	14.5	3.0
1959	8119	2729	5390	33.6	18.1	3.4
1970	11799	4322	7477	36.6	26.4	3.45
1979	15373	6357	9016	41.4	34.7	3.4
1989	19880	8119	11761	40.8	44.4	2.3

Ҳозирги кунда қатор хориж давлатлари аҳолини рўйхатга олишда интерактив динамик карталардан фойдаланиш йўлга қўйилган. Бу эса аҳолини рўйхатга олиш жараёнини аниқлигини ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Интерактив динамик карталар рақамли ва электрон карталар асосида online ҳолатда тузилади. Бу карталар бир-бири билан ўзаро боғланган ҳолда ривожланиб бормоқда (1-расм).



1-Расм. Рақамли карталарга алоқадор карталар.


Диссертациянинг «**Интерактив динамик картага олишнинг назарий масалалари**» деб номланган иккинчи бобида Интерактивлик тушунчаси, интерактив хизматлар, интерактив давлат порталлари, интерактив динамик карталар, интерактив динамик карталарни назарий ва амалий жихатдан ўрганишда қўлланиладиган атамалар таҳлил қилиб чиқилди.

Интерактив картага олиш модели мавзудан ҳам, ҳудуддан ҳам фарқ қилувчи ҳар қандай маълумотларни олиш ва визуализация қилиш учун такрорий халқа операциялари кўринишида берилиши мумкин (2-расм).



2-расм. Геоахборотларни интерактив картага олиш модели

Карталарни яратиш ва уларни "булут" га юклаш учун интерактив картага олиш жараёнида қуйидаги модел қўлланилди (3-расм).




3-расм. Интернет-кارتаларнинг бир қисми сифатида булутли хизматлар модели

Диссертациянинг “Интерактив динамик карталарни яратиш методикаси ва манбалар” деб номланган учинчи бобида карталарни яратишда анаънавий усуллар, ГАТ технологияларини қўллаган ҳолда маълумотлар базасига эга бўлган карталарни яратиш усуллари ва интерактив динамик карталар ва уларнинг афзалликлари тўғрисида сўз юритилган.

Ўзбекистон ҳукумати очик маълумотлар портали ва булутли технологияларни қўллаш масалалари ўрганилди ва тегишли услубият ишлаб чиқилди. Бу ерда маълумотлардан фойдаланиш қатори жорий равишда карталарнинг online янгилаш, тўлдириш ва такомиллаштириш ҳамда вазифаларни ечиш имконияти кўрсатилди.

Турли хил даражадаги очик маълумотларни қидиришда ва ҳудудий маълумотни олишда интерактив карталар иерархиясининг қуйи даражасида бўшлиқлар мавжудлиги аниқ бўлади. Очик маълумотлар мамлакат, минтақавий (ҳокимлик) даражаларида ва маҳаллий бирликлар даражаларида яхши тақдим этилган (4-расм).



4-расм. Ҳудудий маълумотни излаш иерархияси

Аҳолини интерактив динамик карталарини яратиш назарий ва амалий жихатдан тадқиқ қилиниши натижасида, интерактив динамик карталарни яратиш методикаси ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ қилинди (5-расм).



5-расм. Интерактив динамик карталарни яратиш методикаси.

Интерактив динамик карталарни яратиш бир нечта босқичларни ўз ичига олади. Бу босқичлар асосида интерактив карталарни яратиш модели ишлаб

чиқилди (6-расм).



6- расм. Интерактив динамик карталарни яратиш модели.

Диссертациянинг «Аҳолини картага олишда интерактив динамик карталарни яратиш методикасидан фойдаланиш» деб номланган тўртинчи бобида интерактив динамик карталарни яратишда фойдаланиладиган очиқ маълумотлар ва уларни интерактив карталар орқали бир бирига боғлаш ҳамда улардан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган. Маълумотларни бир бирига интеграция қилишда ҳукуматнинг очиқ маълумотлар порталидаги аҳолига оид рақамли маълумотлардан фойдаланилган.


Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг интерактив динамик картасини яратишда киритиладиган ахборотлар очиқ маълумотлар порталидаги Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида жадвал тарзида ишлаб чиқилди (2-жадвал).

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳолига оид
маълумотлар (2020 й. 1 январ ҳолатига кўра)**

	Ташкил топган йили	Умумий аҳоли сони (минг киши)	Шаҳар аҳолиси сони (минг киши)	Қишлоқ аҳолиси сони (минг киши)	Эркалар сони (минг киши)	Аёллар сони (минг киши)	Аҳоли зичлиги (1 км ² га киши)	Ер майдони (минг км ²)
Ўзбекистон Республикаси	01.09.1991	3255.5	16806.7	16448.8	16710.6	16544.9	74.1	448.97
Қорақалпоғистон Республикаси	09.01.1192	1869.8	917.7	952.1	938.4	931.4	11.2	166.59
Вилоятлар:								
Андижон	06.03.1941	3066.9	1603.7	1463.2	1552.3	1514.6	713.2	4.30
Бухоро	15.01.1938	1894.8	701.4	1193.4	948.3	946.5	47.1	40.22
Жиззах	29.12.1973	1352.4	634.5	717.9	680.3	672.1	63.8	21.21
Навоий	20.04.1982	979.5	478.1	501.4	496.8	482.7	8.8	111.09
Наманган	06.03.1941	2752.9	1777.6	975.3	1397.3	1355.6	370.0	7.44
Самарқанд	15.01.1938	3798.9	1414.7	2384.2	1909.1	1889.8	226.5	16.77
Сирдарё	16.02.1963	829.9	354.8	475.1	416.7	413.2	193.9	4.28
Сурхондарё	06.03.1941	2569.9	910.6	1659.3	1298.1	1271.8	127.9	20.10
Тошкент	15.01.1938	2898.5	1427.5	1471.0	1451.5	1447.0	190.1	15.25
Фарғона	15.01.1938	3683.3	2082.5	1600.8	1855.0	1828.3	544.9	6.76
Хоразм	15.01.1938	1835.7	610.1	1225.6	917.7	918.0	303.4	6.05
Қашқадарё	20.01.1943	3213.1	1383.6	1829.5	1623.9	1589.2	112.5	28.57
Тошкент ш.	VII asr	2509.9	2509.9		1225.2	1284.7	7514.9	0.34

Жадвал маълумотлари асосида аҳолини интерактив динамик картаси ArcGIS online ва QGIS дастурларидан фойдаланиб яратилди. Маълумотлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича киритилди (7-расм).



7-расм. Аҳолини интерактив динамик картаси.


Тошкент шаҳри аҳолисининг интерактив динамик картасини яратишда Тошкент шаҳар статистика бош бошқармаси рақамли маълумотлари асосида аҳолига оид маълумотлар жадвали ишлаб чиқилди (3-жадвал).

3-жадвал

Тошкент шаҳар туманларининг майдони ва аҳолиси


T/ P	Туманлар	Ташкил топган йили	Майдо ни, кв.км	Аҳоли си, минг киши	Эркакл ар сони, минг киши	Аёллар сони, минг киши	Тузилг ан никохл ар	Никохдан ажралиш лар	Зичлик, 1 кв. км/киши (2019 й.)
1	Бектемир	1990	20,5	34.3	16.2	18.1	371	82	1673.2
2	Мирзо Улуғбек	1935	31,9	271.0	134.5	136.5	1632	435	8495.3
3	Миробод	1929	17,1	136.3	66.1	70.2	936	259	7970.8
4	Сергели	1967	56,0	181.5	87.2	94.3	1792	438	3241.1
5	Олмазор	1970	34,5	359.4	173.8	185.6	2594	450	10417.4
6	Учтепа	1977	28,2	265.8	131.3	134.5	2228	406	9425.5
7	Яшнабод	1968	33,7	231.0	112.9	118.1	1755	429	6854.6
8	Чилонзор	1963	30,0	244.2	120.4	123.8	1800	394	8140.0
9	Шайхонтохур	1929	27,2	337.8	165.6	172.2	2562	365	12419.1
10	Юнусобод	1936	41,1	330.8	159.7	171.1	2509	509	8048.7
11	Яккасарой	1936	14,0	118.7	57.9	60.8	725	160	8478.6
	Жами, Тошкент ш	2 аср эрагача	334,8	2510.8	1225.6	1285.2	18904	3927	7514.9

Жадвал асосида Тошкент шаҳри аҳолисининг интерактив динамик картаси тузилди. Маълумотлар ўзбек, рус, инглиз тилларида киритилди ва картани тузиш методикаси ишлаб чиқилди (8-расм). Интерактив карталарни тузишда ArcGIS online ва QGIS дастурларидан самарали фойдаланилган.




8-расм. Тошкент шаҳри аҳолиси интерактив динамик картаси.

Интерактив динамик карталар иерархик равишда республика, Тошкент шаҳри ва Олмазор тумани даражасига тушиб келди. Олмазор туманида маҳаллалар бўйича интерактив маълумотлар берилди (9-расм).



9-расм. Олмазор тумани аҳолисини интерактив картаси.

Тадқиқотнинг амалий натижаларидан бири сифатида яратилган Ўзбекистон аҳолиси интерактив динамик картаси ESRI виртуал карталар базасига жойлаштирилди (10-расм).



10-расм. ESRI виртуал карталар базасида жойлаштирилган аҳолининг интерактив карта

Диссертацияда интерактив динамик карталарни тузиш методикаси ва улардан фойдаланиш афзалликлари, дунё миқёсида бу карталардан кенг масштабда фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги, турли масалаларни ечишда муҳим аҳамият касб этиши борасида таклиф ва тавсиялар келтирилди:

1. Online тарзда яратилган интерактив динамик карталар очик маълумотлардан фойдаланиш имкониятини оширишга ҳамда назарий ва амалий масалаларни ечишга хизмат қилади.

2. Интерактив динамик карталарни яратиш учун географик маълумотлар ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятининг юқорилиги, бу карталардан интернет орқали очик ҳолатда фойдаланиш даражасини кўрсатади.

3. Ижтимоий-иқтисодий картографияни ривожланишида online интерактив динамик карталарни яратилиши янги босқич бўлиб, бу карталар маълум бир қобикда чегараланиб қолмасдан, жаҳон миқёсида очик фойдаланиш имконини беради.

4. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида интерактив хизматлардан, ҳукуматнинг очик маълумотларидан ва булутли технологиялардан фойдаланиш даражаси ҳам тобора ортиб бормоқда. Бу каби ахборотларни бир бири билан боғлаб интерактив динамик карталарда акс эттириш ва улардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

5. Ишлаб чиқилган интерактив динамик карталарни яратиш методикасидан вилоят, туман, шаҳар ва маҳаллаларнинг online карталарини тузиш учун фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади.

ХУЛОСА

Диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Мамлакатимиз аҳолиси рўйхатга олинган йиллар (1987, 1920, 1926, 1939, 1959, 1970, 1979, 1989) ва рўйхатга олиш натижасида тўпланган маълумотлар (умумий аҳоли сони, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сони ва бошқалар) асосида жадвал ишлаб чиқилди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг 2023 йилда илк маротаба аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилади. Аҳолини рўйхатга олиш тарихидаги охириги ва ишончли манба жадвалдаги 1989 йилги маълумотлар ҳисобланади. 2023 йилда ўтказиладиган аҳоли рўйхати аҳоли тўғрисида аниқ ва энг ишончли маълумот олиш имконини беради;

2. Аҳолини интерактив динамик карталарини яратиш учун асос сифатида аҳоли географияси ва картографияси назарий ва амалий жихатдан ўрганилиб, Прохорова томонидан ишлаб чиқилган аҳоли карталари таснифи бўйича бир нечта карталар (Сурхондарё вилояти аҳоли картаси, Шаҳар аҳолисини табиий ҳаракати картаси, Тошкент вилояти этноконфессионал

картаси ва Меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлиги картаси) таҳлил қилинди. Олиб борилган таҳлиллар натижаси аҳолига доир мавзули карталарни бир биридан таснифи бўйича ажратиш имконини беради;

3. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида интерактив хизматлардан, ҳукуматнинг очик маълумотларидан ва булутли технологиялардан фойдаланиш даражаси ҳам тобора ортиб бормоқда. Бу каби ахборотларни бир бири билан боғлаб интерактив динамик карталарда акс эттириш ва улардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ;

4. Интерактив динамик карталарни яратишни бешта босқичини ўз ичига олган модел янги картографик методлар (интерактив белгилар, веб-картага олиш) асосида ишлаб чиқилди. Картада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлари номларининг бош харфлари интерактив белгилар асосида киритилиб, бу белгиларга аҳолига оид маълумотлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида жойлаштирилган. Тошкент шаҳар Олмазор тумани интерактив картасида туманда жойлашган мактабларнинг 500 м ва 1000 м радиусдаги аҳолини қамраб олиш даражаси кўрсатилган. Картадан фойдаланувчига ўзига яқин бўлган мактабни танлаш имконияти яратилади;

5. Ҳукуматнинг очик маълумотлар портали, ArcGIS online дастуридаги OpenStreetMap базаси, булутли технологиялар ва хориж тажрибаларидан фойдаланиб, интерактив динамик картага олиш методикаси яратилди. Натижада, аҳоли ва бошқа мавзудаги интерактив динамик карталарни яратиш имкони яратилди. Турли соҳалардаги мавжуд муаммоларни ечимини топишда ва прогнозлашда интерактив динамик карталардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

6. Мамлакат миқёсидаги очик маълумотларни, хусусан аҳолига оид тўпланган рақамли ва матнли маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда қайта ишлаш натижасида ArcGIS online дастуридаги OpenStreetMap базаси асосида Ўзбекистон аҳолисининг интерактив динамик карталар тизими яратилди. Картада иерархик равишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани ва Олтинсой маҳалласининг очик маълумотлари интерактив ҳолатда қамраб олинди. Бу эса республика, вилоят, туман ва маҳаллаларгача бўлган интерактив динамик карталарни яратиш имконини беради;

7. Яратилган аҳолининг интерактив динамик карталари орқали аҳолига доир тезкор ва аниқ ахборотларни олиш, очик маълумотлар порталидан фойдаланиш, шу билан бир қаторда майдонларни ҳисоблаш, масофаларни ўлчаш, жойни координаталарини аниқлаш каби амалларни бажариш, карталар яратиш бўйича замонавий билимларни олиш ҳамда ҳудудий жиҳатдан таҳлиллар олиб бориш имконияти мавжуд.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

РАХМОНОВ ДИЛШОД НУРБОБОВЕВИЧ

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ СОЗДАНИЯ
ИНТЕРАКТИВНЫХ ДИНАМИЧЕСКИХ КАРТ НАСЕЛЕНИЯ**

11.00.06 – Геодезия. Картография

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/Gr67.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (nauka@nuu.uz) и на информационно-образовательном портале “Ziynet” (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:

Гулямова Лола Хаджи-Акбаровна
кандидат географических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Мамадалиева Хафиза Холдаровна
доктор экономических наук.

Мусаев Илхом Максудович.
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский государственный педагогический университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 года в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.03/30.12.2019.Gr.01 по присуждению учёных степеней при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, Ташкент, Университетская ул., дом 4. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru. Национальный университет Узбекистана, факультет Географии и природных ресурсов).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № __). Адрес: 100174, Ташкент, Университетская ул., дом 4. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(Реестр протокола рассылки «__» _____ 2020 года).

Н.И.Сабитова

Председатель Разового Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.г.н., профессор

Ш.М.Шарипов

Учёный секретарь Разового Научного совета по
присуждению учёных степеней, к.г.н., доцент

З.Н.Тожиева

Председатель научного семинара при разовом
Научном совете по присуждению учёных
степеней, д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире перепись населения и жилищного фонда входит в категорию реализуемых странами сложных и широкомасштабных мероприятий. «Для достижения целей переписи стоят задачи картографирования всей страны, тщательного мониторинга процедур проведения переписи и планирования процесса анализа собранных данных, их распространения и использования, а также создания и внедрения ресурсов и источников данных». Данные задачи требуют проведения исследований численности населения, его территориального распределения, состава по возрасту и полу, семейному положению, образованию, уровню жизни, занятости, национальному составу, гражданству, а также других демографических, социально-экономических особенностей населения.

В мире модернизируются методы переписи населения в результате широкого использования геопространственных материалов с целью сбора полных и точных данных о населении. В данном направлении актуальными являются вопросы рационального использования растущих быстрыми темпами день ото дня возможностей информационно-коммуникационных технологий, а также быстрого и лёгкого получения, обработки и распространения размещённых в сети Интернет открытых данных путём интерактивного динамического картографирования.

В нашей Республике проводится ряд реформ по цифровизации всех отраслей экономики и повышения качества оказания услуг населению и в этом направлении достигнуты значительные успехи. В Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4699 "О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства" от 28 апреля 2020 года поставлены задачи внедрения геоинформационных систем (ГИС) в Республике Каракалпакстан и областях, интеграции информации с системой "Электронное правительство". В этом отношении особое значение приобретает проведение научных исследований по интеграции цифровых данных о населении с другими данными посредством интерактивных динамических карт.

Диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПП-4947 "О стратегии действий по развитию Республики Узбекистан", Указе Президента Республики Узбекистан УП-5655 от 5 февраля 2019 "Об утверждении концепции проведения в 2022 году переписи населения в Республике Узбекистан", Постановлении Президента Республики Узбекистан от 28 апреля 2020 года ПП-4699 "О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства", а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в

соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Анализ существующей научной литературы по теме исследования показывает, что такие учёные стран СНГ, как С.А.Ковалев, В.А.Копылов, В.А.Борисов, С.И.Брук, В.М.Медков и другие, занимают важное место в исследовании и анализе населения. В Узбекистане в изучении населения и демографических процессов проведены исследования такими учёными, как М.К.Караханов, И.Р.Мулладжанов, Э.А.Ахмедов, Р.А.Убайдуллаева, О.Б.Ата-Мирзаев, А.С.Салиев, А.А.Каюмов, Қ.Х.Абдурахмонов, М.Р.Буриева, З.Н.Тожиева. Ведущими учёными проведены исследования по картографированию населения и демографических процессов и созданию картографических произведений. В Узбекистане в работах Т. Мирзалиева, А.Эгамбердиева, Л.Х.Гулямовой, Ж.Назирова, С.А. Аvezова и других исследованы вопросы обновления и совершенствования социально-экономической картографии. В результате быстро развивающихся исследований сегодня в таких развитых странах, как США, Канада, Австрия, Россия, картографические произведения создаются при помощи современных ГИС технологий в режиме "online". Большой вклад в исследования теоретических вопросов интерактивных карт внесли такие зарубежные учёные, как Kraak M.-J., Roth R.E., Smith D.A., Надыров И.О. Однако, в Республике Узбекистан вопросы создания интерактивных динамических карт населения на основе открытых данных государственного портала Республики Узбекистан недостаточно изучены.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательских работ кафедры картографии "Научно-методические основы картографического обеспечения народного хозяйства и образования" и проекта Географического общества Узбекистана "Сбор полномасштабных данных об исторических объектах, неизученных культурных объектах и их распространение в интернете и социальных сетях" (2019-2020).

